



Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

asr IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

9-iyun 2022-yil 23 (969)



www.21asr.uz



@XXLasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

КОНСТИТУЦИЙВИЙ ИСЛОХОТЛАР

ЖАРАЁН БОШЛАНДИ: ОДАМЛАР ТОМОШАБИН ЭМАС!



Эсланг, 17 майда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP ва "Миллий тикланиш" демократик партиялари фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш масалаларига бағишланган қўшма йиғилишидан кейин – 20 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг мазкур масаладаги қўшма мажлиси бўлиб ўтган эди...

Ниҳоят жиддий жараёнга старт берилди ва мамлакатнинг турли нуқталарида, нафақат партиялар, балки барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, бир сўз билан айтганда, халқимиз конституциявий ислохотларга хайрихоҳ эканлиги билдирилаётган холис ва асосли таклифларда кўриниб турибди. Шу маънода О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши

Ижроия кўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари, хуллас, бир миллиондан кўпроқ маслақдошларимиз, электоратимиз вакиллари бу борада фаоллик кўрсатишяпти. Биз кунлик ва ҳафталик рақамларни санаб ўтирмаймиз. Яхшиси, бугун партияимиз фракцияси аъзоларига сўз берайлик.

Давоми 2-саҳифада. ►►

КЕЙИНГИ СОНДА:

Собир САЙХУН, туркиялик ватандошимиз, 92 ёшда:

Ота-боболаримиз, бувижону оналаримиз Ватан, Ватан дея йиғлаб-йиғлаб дунёдан ўтиб кетишди. Мен эса сал кам бир асрни кўр-ялман. Аввало Оллоҳим, қолаверса, она тупроқ соғинчи мени шундай табаррук ёшга етказгандир.

Авваллари сезилмасди, ҳозир англаяпманки, айримларга ота юрт, она ватан деб гапирсангиз, ўзини тушунмаганга олади. Гўёки бундайлар учун ер юзининг исталган нуқтаси Ватан. Йўқ, жигарим, аввало, сенинг авлод-аждодинг кўз очган, киндик қонинг тўқилган замин муқаддас ва тиллоларга топилмайдиган бойлик, десангиз истеҳзоли кулиб қўяди. Жаҳлим чиқади, тўғриси, ана шундайларни кўрсам. Булар роботга ўхшаган темирюрак кимсалар. Демак, билингни, ҳозирги одамларда ҳиссиёт ўлиб кетяпти, меҳр-муҳаббат сўниб борапти. Бу даҳшатли кўргилик эмасми? Эртага худди шундай тоифадагилар ота-онасини тан олмайди, керак бўлса. Бу битта миллат ё халқнинг фожияси эмас, аксинча, инсоният учун энг даҳшатли таназзулдир.



ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори, Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси Бошқарув кўмитаси ҳамраиси Роли Астхана билан учрашди.

Мулоқот чоғида Траст жамғармасининг донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкорлар билан биргаликда олиб борилган фаолиятининг яқунлари, шунингдек, Оролбўйи минтақасида ресурсларнинг сафарбар этилиши ва манзилли лойиҳаларни амалга оширишда келгусидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва механизмлари муҳокама қилинди.

Хусусан, Жамғарманинг Техник котибияти томонидан баҳолаш натижалари сарҳисоб қилинган ҳамда Бошқарув кўмитаси ҳамраисларига тасдиқлаш ва молиялаштириш учун аниқ лойиҳа таклифларини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазири

лиги билан биргаликда ишлаб чиқилган учта стратегик ҳужжатни бошқарув кўмитасига кўриб чиқиш учун юборишга қарор қилинди. Ушбу масалалар бошқарув кўмитасининг яқин кунларда ўтказилиши режалаштирилган 5-йиғилишида кўриб чиқилади. Жамғарма маслаҳат кўмитасининг навбатдаги йиғилиши ҳам ўтказилади. Бу, ўз навбатида, белгиланган вазифалар доирасида юзага келаётган барча масалаларга аниқ ечимларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Учрашув чоғида жорий йил кузидида Ўзбекистонда юқори даражадаги Биринчи Оролбўйи халқаро форумини ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Форум кун тартибига Ўзбекистонда "яшил" иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг истиқболли ечимлари, БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасида экологик инновациялар ва технологиялар зонасини ташкил қилиш тўғрисидаги резолюциясини ҳаётга жорий этиш чора-тадбирлари киритилган. Бундан ташқари, минтақанинг барқарор ривожланишига йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ривожланиш бўйича шериклар билан инвестициявий шериклик алоқаларини ўрнатиш механизмларининг муҳокамаси ҳам жой олган.

Томонлар тadbир концепциясини ҳамда ташкилий ва мазмунига доир барча масалаларни ишлаб чиқишни тезлаштирилган тарзда яқунлашга келишиб олди.

ЎЗА



БУҒДОЙ БАҲОСИНИ БОЗОР БЕЛГИЛАЙДИ

3с.

КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ КўП ҚАВАТЛИ МУАММОЛАРИ

6с.



КўЧМАС МУЛК БУЗИЛАДИМИ ЁКИ ЙўҚМИ?

4с.

БОҚИМАНДАГА БАЛИҚ БЕРДИК...

6с.



◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АНИҚ ВА РАВШАНМИ?

Бобур БЕКМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Бугун ҳукумат очик, прогрессив ва ташаббускор институтга айланиб борапти. Ўз ўрнида жамиятимизнинг ҳам талабчанлиги ошяпти. Ҳақиқий ва эркин фуқаролик жамияти пайдо бўлди. Бу эса ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Бунинг учун, аввало, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари такомиллаштирилди. Натижада фуқаролик жамияти, нодавлат ташкилотлар давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзига хос кўприкка айланди.

Ҳўш, бугун Конституциямизда фуқаролик жамияти тушунчаси борми? Ноҳукумат ташкилот тушунчаси-чи? Афсуски, йўқ! Уйлаймизки, Асосий қонунимиз мазмунан янги пайдо бўлган ва ғоятда катта салоҳиятга эга нодавлат секторга оид норма билан бойитилиши зарур.

Яна бир муҳим масала – фуқаролик жамиятининг ноёб ва муҳим тузилмаси бўлган маҳалла институтининг шакли ва мазмуни ҳам ўзгарди. Бугун маҳалла 10-20 йил олдинги каби маълумотнома берадиган идора эмас, балки фаол, муаммолар билан ишловчи, аҳоли фаровонлиги билан шуғулланувчи институтга айланиб бормоқда.

Фикрлар хилма-хиллиги асосланган жамиятимизда ушбу қадриятларни асраб-авайлашимиз ва уларни кейинги авлодларга етказишимиз зарур.

Шу тўғрисида Бош қомусимизга киритиладиган ўзгаришларда қуйидагиларни инобатга олиш муҳим деб ҳисоблаймиз:



фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб ноҳукумат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти тушунчаларини киритиш;

жамият манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар қабул қилинишида ноҳукумат ташкилотларнинг, фуқаролар ва жамоатчиликнинг иштирокини кафолатлаш. Яъни, давлат ва жамият бирдек масъул ва бунёдкор бўлиши, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоатчилик тараққиётга кўмаклашувчи куч сифатида қайд этилиши лозим;

эркин фуқаролик жамиятини яратиш мақсадида давлат томонидан ҳар

томонлама қўллаб-қувватлашни кафолатлаш. Бунда жамоатчилик назоратини рағбатлантиришни назарда тутиш керак;

маҳалланинг демократик институт сифатида мақомини конституциявий мустаҳкамлаш, маҳалланинг вазифалари, мавқеи ва мақомига бағишлаб алоҳида боб киритиш;

қадриятларимизни акс эттириш. Чунки Конституциямизда қадрият ибораси бор-йўғи бир жойда акс этган, холос.

Албатта, Ўзбекистон халқининг конституцион қадриятлари нималар эканини ҳар бир фуқаро аниқ ва равшан билиши зарур.

ИНТЕРНЕТСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ ЭНДИ



Сардорбек ФИЁСОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Амалдаги Конституциямиз 29-моддасининг биринчи хатбошисида шундай жумлаларни ўқиймиз: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш

ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”.

Асосий қонунимиз 1992 йилда қабул қилинган. Ўша пайтларда умумжаҳон ахборот тармоғи – интернет мамлакатимизда ривожланмаганди. Бугунги кунда эса интернет ахборот олиш ва тарқатишнинг энг асосий воситаларидан бирига айланди. Ҳозир Ўзбекистонда интернетдан фаол фойдаланувчилар сони 23 миллиондан ошди. Муболағасиз айтиш керакки, дунёда катта аҳамиятга эга бўлмиш бу тармоқнинг инсон омилида тугган ўрни, аҳамияти тобора ошиб борапти. Ҳозир ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш мумкинми? Албатта, йўқ. У одамларга сон-саноксиз қулайликлар яратяпти, кўпларнинг даромад манбаи тўла-тўқис шу соҳа билан боғлиқ. Айтиш мумкинки, интернетдан узилиб қолган одам кишилик жамиятининг тўлақонли аъзоси ҳисобланмаяпти. Эътиборлиси, тегишли халқаро ташкилотлар турли мамлакатларда интернет тезлиги, қанчаллик оммалашганлиги, интернет эркинлиги каби рейтингларни ҳам олиб боришяпти, яъни бу омилилар мамлакат нуфузини ҳам белгилаяпти.

Хуллас, янги асрдаги глобаллашув ва ахборот замони талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ана шу 29-моддага “ҳар ким интернетдан эркин, чекловларсиз фойдаланиш ҳуқуқига эга” деган қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқдир.

БИЗГА ФАҚАТ СОҒЛОМ МИЛЛАТ КЕРАК

Сардор МАЛИКОВ,
O'zLiDeP Сийсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси бўлим бошлиғи

Ҳаммамизга деярли ёд бўлиб кетган Бош қомусимизнинг 40-моддасида қисқагина шундай бир жумла бор: “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”.

Янги Ўзбекистонни ўз ҳаётидан рози, бахтли инсонлар мамлакатига айлантириш мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг асосий мақсадиридир. Бу жараёнда шуни эътиборга олиш керакки, фақат соғлом инсонгина том маънода бахтли бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, шахсан мен шу юрт фуқароси сифатида мазкур моддани қуйидаги сўзлар билан тўлдиршни таклиф этмоқчиман: “Ҳар ким ўз саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Давлат соғлиқни сақлаш соҳасида мулкнинг турли шакллари асосланган тармоқларни ривожлантириши, санитар-эпидемиологик ороқшталликни кафолат-



лаши, ҳар хил турдаги тиббий суғурталаш учун имконият яратиб бериши лозим”.

Ф и к р и мизча, мазкур қўшимча бу соҳадаги катта салоҳиятимиз, имкониятларимизни ишга солишга хизмат қилади. Пандемия сабоқлари ҳам аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янги bosқичга кўтаришни кун тартибига қўймоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш бўйича қизғин жараёнлар изчил давом этмоқда. Барча қатлам вакиллари, сиёсатдонлар, мутахассислар, зиёлилар, кўйинги, кенг жамоатчилик бу борада фаоллик кўрсатяпти. Таклиф ва тавсиялар қулай усулларда – электрон тарзда ёхуд маҳаллалар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига оғзаки ёки ёзма шаклда билдирилмоқда. Эътиборлиси, Бош қомусимизга ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг таклифлар билан ишлаш гуруҳи томонидан кўриб чиқилган ҳолда сараланиб, Асосий қонунимизнинг тегишли бўлимлари бўйича таснифланмоқда.

ҲАР БИР ТАКЛИФДА ХАЛҚ МАНФААТИ МУЖАССАМ БЎЛИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия аъзоси Адҳам Шодмонов билан сўхбатимиз шу ҳақда бўлди.



– Адҳам ака, парламент куйи палатаси депутати, қолаверса, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси сифатида қандай таклифлар сизни кўпроқ қувонтиряпти?

– Халқимиздан келган ва сараланиб, комиссия томонидан маъқулланиб, Конституциямизнинг айнан 53-моддасига киритилиши тавсия қилинаётган нормаларга эътиборни қаратмоқчиман. Айтиш керакки, таҳлил гуруҳи томонидан келтирилган, асослар билдирилган бу таклифлар том маънода доимо меҳнат қилиб, даромад кўрган, нафақат оиласини боқиб, балки бошқа юртдошларимизни ҳам иш билан таъминлаб келган, ўз маблағлари ҳисобидан фаолият юритиб, кези келганда кредит ҳам ололмасдан, инсофсиз рақобати бошидан кечирган, монопол корхоналарнинг тўсиқларига учраган ўрта синф вакиллари бўлиши тадбиркорларнинг азалии, юрагидан чиққан оруз-истакларидир. Ва бу каби таклифларни улар бежиз юборишмапти деб ўйлайман. Чунки, эътибор берадиган бўлсак, Конституциямизда “тадбиркорлик” сўзи атиги 2 тагина моддада учрайди.

Шу маънода қайд этилган моддага: “Давлат хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига қаратилган инвестициявий муҳитни шакллантириш учун шароит яратяпти”, “Хусусий мулкнинг кафолатланганлиги, унга нисбатан тажовуз қилиш мумкин эмаслиги, хусусий мулкнинг дахлсиз эканлиги” ҳақидаги нормалар киритилса, айна муддао бўлар эди.

Хусусий мулкка нисбатан турли кўринишдаги хуружлар бўлганда, тадбиркорларнинг мулки ё биноси бузилганда ёки жамият манфаатлари учун олиб қўйилган ҳолатларда компенсация – зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалалар ҳал этилмасдан қолиб кетган пайтлар жудаям кўп учраганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Бу эса айрим тадбиркорларимизнинг, аввало, молиявий, қолаверса, маънавий зарар кўришига олиб келган.

Асосий қонунимизга яна бир янги: “Инсофсиз рақобат ва монополлаштиришга йўл қўйилмайди”, деган радикал, фундаментал норма киритилиши кутляпти. Бу эса биринчи навбатда тадбиркорлар олдига турган энг қийин ва кўзга кўринмас тўсиқларни олиб ташлашга хизмат қилиши табиий. Шу билан бирга, бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга умуман иқтисодий фаолиятда йўл қўйилмаслиги учун ўзига хос кафолат бериши мумкинлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Болгария, Венгрия, Грузия, Қозғоғистон, Жазоир ва бошқа кўрлаб давлатларнинг конституцияларида ҳам худди ана шундай меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилганлигига гувоҳ бўлдим.

Бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий майдонидида ўзига хос нуфуз ва салоҳиятга эга бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тузилганига ҳам келаси йил йигирма йил тўлади. Бу албатта кичкина муддат эмас. Шу маънода электротартишимизнинг асосий вакиллари – тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар

инсофсиз рақобат бозордаги тенгсизликка олиб келишини жудаям яхши тушунишди. Ҳақиқатан ҳам, инсофсиз рақобат носоғлом депсинилар, нарх-навонинг асоссиз ошишига олиб келади. Шу маънода, шубҳа йўқки, партиямиз таянчи бўлган тадбиркорлар Асосий қонунимизда бундай нормалар бўлишини кўпдан бери кутаётгани аниқ ва шу каби таклифларнинг аксарияти айнан улардан тушганлиги эътиборга лойиқдир.

Инсофсиз рақобатга, яъни монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги мамлакат инвестициявий муҳитини яхшилашда бевосита иштирақ этадиган тадбиркорлар учун жуда катта имконият деб ҳисоблаш керак. Таъкидлаш керакки, буларнинг бари Президент Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидида ишбилармон ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича қўйилган долзарб вазибаларнинг конституциявий кафолатларини кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Зеро, нафақат йирик, балки кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги ишбилармонлар ҳам ана шу инвестициявий муҳитнинг бари парчасидир. Бугун мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 58-60 фоизини тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаряпти, мазкур субъектларда эса жами иқтисодий фаол аҳолининг 78-82 фоизи ишлайди. Бу эса қувонарли ҳол, албатта. Аҳолиси сони 40 миллион нуфусга қараб одимлаб бораётган Ватанимизда муносиб инвестицион муҳит яратиш ва монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги, бу борада фундаментал нормаларнинг бевосита Конституциямизда мустаҳкамланиши иқтисодий, инвестициявий барқарорликни янада яхшилаш баробарида экспорт салоҳиятини кучайтириш, жаҳон рейтингидида биринчи қирқталикдан жой олишимизда ҳам катта асос яратяпти.

“XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди.

БАНД ОДАМ БАХТЛИ ЯШАЙДИ

Атхам НАЗИРҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Бугунги кунда халқ фаровонлигини, одамларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама ошириш, бунинг учун янги иш ўринлари, даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, сиёсий-ҳуқуқий нуқта назардан давлатга “халқ хоши-иродасини ифода этадиган орган” деб таъриф берилади. Яқин истиқболда республикамизда “Давлат органлари – халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси” деган тамойил тўлақонли ҳаётга татбиқ қилиниши кутляпти. Бу фоя аҳоли бандлигини янада ошириш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг ҳам негизига айланиши зарур. Зеро, Президентимиз ўз чиқишларида қайд этганидек, битта ишсиз одам – ўнта муаммо дегани. Бошқача айтганда, одамларни етарлича ҳақ тўланадиган доимий иш билан таъминлаш ўнлаб муаммоларни ҳал қилиш демақдир. Ана шулардан келиб чиқиб, Конституциянинг 37-моддасига “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва мақбул иш ҳақини кафолатлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар доирасида меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорини белгилайди” деган қўшимчани киритишни таклиф қиламиз.



МУНОСАБАТ

БУҒДОЙ БАҲОСИНИ БОЗОР БЕЛГИЛАЙДИ

ЁХУД ФЕРМЕРЛАР МАНФААТДОРЛИГИ ҚАНДАЙ ОШАДИ?

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган воқеалар натижасида бозорларда озиқ-овқат нархлари ўсиб бормоқда. Мисол тариқасида халқаро биржаларда 1 тонна буғдой 400 АҚШ долларида сотилаётгани ва йил бошига нисбатан 30 фоизга ошганини кўрсатиб ўтишнинг ўзи kifоя.

Шундай шароитда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга оқилона ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Модомики, бу борада ҳосилдорлик ва фермерлар манфаатдорлигини ошириш ҳозирги вақтда ягона тўғри йўл экани ойдинлашади. Натижада бозорларда таклиф кўпайиб, нархларнинг сунъий шиширилишига чек қўйилади. Бошқача айтганда, озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоқларининг аксарияти пировадиди ун маҳсулотларига бориб тақалиши ғаллачилик соҳасида юқори самарали бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш шиддатли замоннинг ўткир талабига айланди.

Ушбу соҳада хусусий сектор улushi ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ йирик хусусий дон корхоналари иш бошлади. 2021 йилда мамлакатимиз бўйича ишлаб чиқарилган уннинг 54 фоизи хусусий дон корхоналари ҳиссасига тўғри келгани фикримиз далилидир.

Бирок “Ўздонмаҳсулот” компанияси таркибидagi 43 та дон корхонаси янги шароитларда ишлашга тайёр эмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Шу пайтгача компания таркибидagi дон корхоналари фермерлардан тайёр буғдойни қабул қилиб, уни қайта ишлаш билан



шуғулланиб келган. Натижада уларнинг ун ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртача 60 фоиздан ошмаган.

Давлат дон корхоналарининг энерготехамкор ва илҳам ускуналар билан жиҳозланмаганлиги сабабли тегиримон харажатлари хусусий секторга

нисбатан 20-25 фоизга юқори, рентабеллиги эса 2 баробар кам. Бу тарздаги эскича ёндашув, эскича тизим дон етиштирувчи ҳам, қайта ишловчи корхоналарга ҳам манфаат келтирмайпти. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бундай корхоналарнинг ҳам даромади, ҳам рақобатбардорлиги, ҳам

сармовий жозибадорлиги жуда паст бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фермер-деҳқонларимиз анчадан буён кутган ислохотларга қадам қўйилмоқда. Яъни, 2022 йил 1 июндан ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда тўлиқ бозор тамойилларига ўтилиб, фермер ва кластерлар ўзлари етиштирган ғалласини биржа савдоларига ўзлари қўйиши учун барча имкониятлар яратилди.

Бу буғдойнинг нархини бозорнинг ўзи шакллантиради, деганидир. Шунингдек, биржа савдоларида буғдой сотадиган фермер ва ғаллачилик кластерларидан биржа тўловлари ундирилмаслиги белгилаб қўйилгани муҳим имтиёз ва ривожланиш учун рағбат бўлди. Агар фермер ва кластерларда ўзи етиштирган ортиқча ғаллани сотиш истаги бўлса, давлат ва хусусий дон корхоналарига шартнома асосида келишилган нархларда сотади.

Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатаси, Марказий банк, тижорат банклари ва дон корхоналари томонидан “Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси – тижорат банки – дон корхонаси – кластер ва фермер

– биржа” занжири асосида тўловларнинг амалга оширилиши бўйича кунлик назорат тизими йўлга қўйилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасида алоҳида штаб ташкил этилади. Мазкур штаб кунлик маълумотларни чуқур таҳлил қилиб, вазирлар ва идораларга аниқ кўрсатмалар юборади, юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради.

Мухтасар қилиб айтганда, аграр тармоқда амалга оширилаётган исчилохотларнинг пировад мақсади – фермерлар ва кластерларнинг манфаатдорлигини кучайтириш баробарида ҳосилдорликни сезиларли равишда оширишдан иборат. Табиийки, ўзи етиштирган ғалласини биржа орқали ўзи мустақил сотган фермернинг даромади кўпаяди ва янада астойдил меҳнат қилишга рағбат топади, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилади.

Ғайрати сунмаган элнинг нони эса ҳамisha бутун бўлади, арзон ва сифатли дон маҳсулотлари пештахталардан узилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси
матбуот хизмати

ТАКЛИФ

МАЪНАВИЯТ КОДЕКСИНИ ЯРАТИШ ФУРСАТИ ЕТДИ

Юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсадни изчил амалга оширишга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси О‘zLiDeP учун ҳозирги давр талаби ва тақозоси, жамиятимизнинг ривожланиш омиллари ва тамойилларини белгиладиган фаолият дастуридир. Президентимиз томонидан асослаб берилган мазкур стратегиянинг бешинчи йўналиши “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилни амалга оширишнинг маънавий соҳадаги ривожланиш масалаларига бағишланганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.



Киём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида партияимиз 2022 йил 4 февраль кунин О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузурида маҳсул ишчи гуруҳ тузилиб, иш режаси белгилаб олинган эди. Мазкур ишчи гуруҳ томонидан республика миқёсида Стратегиянинг 71-78 мақсадлари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 220 дан ортиқ тадбирлар, танловлар, давра суҳбатлари, китоб тақдимотлари, маънавий кунларни, музей, маданият ва санъат марказларига ташрифлар ташкил этилди. Жумладан, 2022 йил 15 февралда Республика Маънавият ва маърифат марказида О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш вазифалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

2022 йил 31 март кунин Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиди О‘zLiDeP билан ҳамкорликда “Баркамол авлодни жисмонан ҳам маънан соғломлаштиришда Тараққиёт стратегиясининг ўрни, устувор мақсад ва вазифалар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Навоий вилояти Навбахор туманидаги умумтаълим мактаби шу йилнинг 18 апрелида Учтўт кенглигида Стратегиянинг 75-мақсадида кўра “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”га доир очик осмон остидаги “Юртим жамоли” танловини ўтказди. Шунингдек, 18 май – Халқаро музейлар кунин муносабати билан кўплаб ҳудудларда “Темир дафтар”, “Ешлар дафтари”даги ўғил-қизлар учун музейларга саёҳат уюштирилди.

фатпарвар давлат” мавзусида давра суҳбатлари, Хатирчи туманидаги 63-мактабда 71-мақсадга кўра “Мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида бир-галликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустақамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш”га оид “Инсон ва жамият тараққиётида таълим-тарбиянинг роли ҳамда мактаб ва ота-оналарнинг доимий алоқалари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Бешинчи йўналиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар “Ўзбекистон 24”, “XXI аср” ижтимоий-сиёсий газетаси ва бошқа марказий оммавий ахборот воситаларида, uzliDeP.uz, uza.uz, daryo.uz сайтларида, ҳудудий нашрлар ва “Facebook” саҳифалари, “Telegram” каналларида мунтазам ёритиб борилмоқда.

О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган ва унинг қўлидаги “Тараққиёт” маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда О‘zLiDePнинг долзарб вазифалари” мавзусидаги ўқув машғулотлари модули алоҳида аҳамиятга молик. Мазкур модулнинг асосий мақсади партия тизимиди Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнини оптималлаштириш, юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир партия кадрларини тайёрлашга кўмаклашидан иборатдир. Ушбу модул апрель-май ойларида биринчи марта партиянинг вилоятлар ва туманлар кенгашлари раҳбар ходимлари учун амалга оширилди ва муайян тажриба тўпланди.

Янги Ўзбекистоннинг та-

раққиёт стратегияси асосида маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ишларини янада самарали ва тизимли ташкил қилиш ниҳоятда долзарб. Яқин йилларда мамлакатимизда янги маънавий маконни шакллантириш бўйича ишлар самарасини юксак даражага кўтариш ва бу борадаги фаолият тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегияси”ни ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этилишини таъминлашга зарурат сезилмоқда. Шу туркумда китоблар, луғат ва рисоалар тайёрлаш ва чоп этиш ҳамда ушбу мақсадлар жамланган илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳимдир.

БМТнинг Ахлоқ кодексини мамлакатимиз ҳаётида қўллаш ва имплементация қилиш мақсадида “Янги Ўзбекистон жамиятининг маънавият кодекси”ни яратиш ва унинг амалиётини таъминлашни таклиф этмоқчимиз. Негаки, бугунги кунда “Ўзбекистон Республикасининг маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишни вазият тақозо этмоқда.

Ушбу жараённинг асосий йўналишлари, устувор тамойиллари ва долзарб вазифаларини акс эттирган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, бунинг аҳамиятини ўқиб олиш, қалбимизга жо қилиш ва амалиётда фўл қўлаш зарурати барча сафдошларимиз ва ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

МАВСУМ-2022

УШБУ ОРОМГОҲ ЯККАБОҒ ТУМАНИДАГИ ПУР-ВИҚОР ТОҒЛАР БАҒРИДА, БЕТАКРОР ТАБИАТИ, СЎЛИМ БОҒЛАРИ, ТОЗА ҲАВОСИ БИЛАН ҲАР ҚАНДАЙ КИШИНИ ҲАЙРАТГА СОЛГУВЧИ ЎЗИГА ХОС МАНЗИЛДА ЖОЙЛАШГАН. МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШ УЧУН КЕЛГАН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИНГ 10 НАФАРИ НУРИСТОН ҚЎРҒОНИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИНГ БОЛАЛАРИ ЭКАНИ ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.



БОЛАЛИКНИНГ ҲАР ДАМИ АЗИЗ

“ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ” АЖ ишчи-ходимларининг 200 нафар фарзанди “Соҳибқирон” оромгоҳига етиб келди.



Оромгоҳда турли мавзудаги зуккор беллашуви, китобхонлик кечалари, спорт мусобақаларини ташкил этиш, муқаддас қадамжолар ва табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш борасида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда болаларнинг ёзги таътилни сермазмун ўтказишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ўйинлар асосида кичкинтойлар онига миллий ва умуминсоний кадрларини сингдириш ҳамда саломатликни мустақамлашга кўмаклашадиган қатор тадбирлар ва кўнгличар томошалар белгиланган.

– Юртимизда келажак эгаларига ғамхўрлик қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилган, – дейди “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” АЖ бош директори Олим Юсупов. – Корхона маъ-



мурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан жамият ишчи-хизматчиларининг фарзандларини кўнглили хордик чиқариш ва соғломлаштириш ишларини юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилди. Умуман олганда, мавсум давомида жами мннг нафар ўғил-қиз дам олади.

Уларнинг қирқ нафари эса кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлади. Оромгоҳнинг очилишига бағишланган байрамни болажонлар катта қувонч билан қарши олишди. Уларнинг шодон кулгиларини кўриб, ўзимиз ҳам бир лаҳза бахтли болалигимизга қайтгандай бўлди.

Ёзги дам олиш мавсуми бошланишига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққанлар болаларга хуш кайфият, мароқли дам олишларини тилашди. Беғубор болаликни тираним утувчи мусиқали байрам дастури намойиш этилди. Қувончли лаҳзаларда гулхан атрофидаги кичкинтойлар ўзларига кўрсатилаётган

эҳтиром ва ғамхўрликдан масрур ҳолда қўшиқлар куйлашиб, рақсга тушдилар.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ТАХЛИЛ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ХАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУЙИ БЎГИНЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ. НАТИЖА КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛДИМИ?



ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партиянинг таянчи бу бошланғич ташкилот ҳисобланади. БПТлар тактик нуқтаи назардан фаолият шакли ва услубларини тез ўзгартира оладиган, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этишда амалий чоралар топишга астойдил интиладиган ташаббускор ҳаракатга айланиши лозимлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Қуйи бўғинларни методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, туман (шаҳар)лар даражасидаги БПТ фаолларини чоракда камидан бир марта ўқитиш, уларнинг аҳоли ўртасида ижтимоий-сиёсий ишларни олиб бориш кўникмаларини мустаҳкамлаш, замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланишга ўргатиш, яъни “технологик” жамоада яқин ҳамкорликда ишлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилнинг 15 февралдан 15 апрелига қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида О‘зЛиДеРнинг таянч тузилмаларида аъъанавий ҳисобот-сайлов йиғилишлари танқидий таҳлил асосида ўтказилгани диққатга сазовор. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари жараёнида БПТ раисларини сайлаш, уларнинг бир йиллик фаолиятини

сарҳисоб қилиш, фаолиги сезиларли даражада бўлмаган қуйи бўғинларни кучайтириш, йўл қўйилган хато ва камчиликлар сабабларини ўрганиш, партия сайловди платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги иш режалар белгилаб олиш масалалари атрофида қўриб чиқилди.

Мамлакат бўйича оладиган бўлса, бугунги кунда партиянинг жами 13 506 та қуйи бўғинида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уларда 603 657 нафар маслақдошимиз иштирок этди. 1 336 та БПТ фаолияти танқидий баҳоланди ва янги раислар сайланди. 12 170 та таянч тузилмада ўз фаолияти билан йил давомида ўрнатилган кўрсаткич раислар қайта сайланди.

Очиқ мулоқот тусини олган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг 636 тасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзолари бевоқиф қатнашишди. Шунингдек, 6 732 та тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этганини

ҳам қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда бошланғич ташкилотларни пухта ташкил этиш ва уларнинг бугунги кун талабларига мос равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш партиянинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омиллардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода “TARAQQIYOT” сиёсий таълим маркази О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 31 май – 17 июнь кунлари оралиғида партиянинг бошланғич партия ташкилотлари раислари ҳамда мазкур йўналишга масъул тизим ходимлари учун ўқув-семинарлари ташкил этаётгани эътиборга молик.

Ўқувлар БПТлар фаолиятида ижодий ёндашув, ижтимоий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг замонавий усуллари ва уларни амалиётда фаол қўллаш олиш услублари билан ўзига хосдир. Унда нафақат қизиқарли мазкур услублар, балки амалий тренингга ҳам кенг ўрин берилмоқда. Бунда ма-

софавий таълим методидан самарали фойдаланилаётгани барчага қўлайлик туғдирапти.

Ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги БПТлар фаоллари учун ўқувлар ўтказилди. Ушбу жараёнларга таниқли сиёсатшунослар, олимлар ва тажрибали амалиётчилар, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзолари жалб этилган. Модомики, БПТлардаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари яқини бўйича сув ғалвирдан дастлабки тарзда кўтарилган, рақам ва кўрсаткичлар таҳлил қилинган бўлса, юқорида тилга олинган ўқувлар ниҳоясига етиши билан фаолиятнинг мазмун-моҳияти ва электоратга таъсирчанлик даражасига ҳолис баҳо берилди. Демак, шу мавзуга бағишланган мулоқотимиз ҳам яна давом этади.

Ақром АЛИМОВ, “TARAQQIYOT” сиёсий таълим маркази раҳбари

“Очиқ бюджет” ва шаффофлик шарофати

Хайрли режалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиб, унда кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этгандагина кутилган натижани бериши мумкин. Айниқса, жойлардаги йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишда оддий одамлар фикрига қулоқ солиш ўта муҳим. Ечимини кутаётган масалалар эса ҳар бир туманда, ҳар бир маҳаллада топилмади. Масалан, ички йўлларнинг талаб даражасида эмаслигини олинг.



йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизини “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш мақсад қилинган.

“Юксалиш” умумийлик ҳаракати Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан ташкил этилган Жамоатчилик эшитишда дастурнинг мазкур банди юзасидан амалга оширилаётган ишлар борасида вилоят молия ва автомобиль йўллари бошқармалари масъулларининг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларининг параметрларини тасдиқлашда ушбу мақсадлар учун 74,3 млрд сўм маблағ ажратилган. Шундан 37,2 млрд сўми “Фуқаролар бюджет” дастурининг 1-босқичига йўналтирилган. Ички йўллар учун 19 та ташаббус қўллаб-қувватланиб, 16 млрд

108 млн 427 минг сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

– Очиғини айтиш керак, “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида тарғибот ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганилиги боис ҳамма фуқаролар ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдалана олмади, – дейди “Юксалиш” умумийлик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Хусан Абдуниязов. – Қолаверса, лойиҳада ғалиб бўлишининг ўзи етмайди. Белгиланган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳам депутатлик ва жамоатчилик назоратига олиниши даркор.

Мулоқот давомида, шунингдек, ғалиб деб топилган лойиҳалар учун ажратилган маблағни мақсадли сарфлашда шаффофликни таъминлаш ўта муҳимлиги қайд этилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” муҳбири

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

КЎЧМАС МУЛК БУЗИЛАДИМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Ана шундай оғир саволлар неча йиллар давомида ҳар доим аксарият юрдошларимизни қийнаб келаётгани ҳақиқат. Кўчмас мулкка талаб кундан кунга ортиб бораётган бир вақтда ҳар бир фуқаро бу ҳақда аниқ маълумотларни билиши шарт. Ахир, кўнгил хотиржамлигига нима етсин?!

Энди қийин жойи йўқ, бу ҳақда маълумотнома олиш тартиби соддалаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан қурилиш соҳасида Давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентлари билан бир қаторда кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмагани тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Ушбу қарор Президентимизнинг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Регламент юридик ва жисмоний шахсларнинг республика миқёсида нотураф бино ва иншооти ҳамда турар жойларни бузилишга тушган ёки тушмагани ҳақида маълумотнома бериш тартибини белгилайди.

Мазкур хизматдан фойдаланиш мақсадида ариза берувчи маълумотнома олиш учун:

Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади; ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Аризалар портал орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин. Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва қабул қилинган куни ҳисобланади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда Давлат хизматлари маркази ариза берувчи номидан; ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этган тақдирда давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровнома ил электрон тарзда (ушбу регламентда келтирилган шаклга мувофиқ) тўлдирлади. Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда сўровномага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома илова қилинади.

Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни тасдиқлайди. Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорда йўғим ундирилади. Давлат хизмати кўрсатилиши учун ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этилганда йўғим суммасининг 90 фоизи ундирилади. Йўғим ундирилганини тасдиқлаш электрон тарзда амалга оширилади.

Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан

сўнг сўровнома реал вақт режимида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

Ваколатли орган сўровнома тушган ва тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида сўровномани кўриб чиқади ҳамда QR-код қўйилган маълумотномани расмийлаштирилади ва Давлат хизматлари марказларига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёхуд ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборлади.

ДХМ маълумотнома келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборди ва ариза берувчини бу ҳақда электрон тарзда хабардор қилади. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда унинг сўровига кўра маълумотномани электрон шаклда ёки қоғоз шаклида тақдим этади.

Илгариги тартиб бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг республика миқёсида нотураф бино ва иншооти ҳамда турар жойларни бузилишга тушган ёки тушмагани ҳақида маълумотнома олиш учун бевоқиф ваколатли органга мурожаат этишар ва шу сабабли ортиқча вақт сарфлаш ҳамда бюрократик тўсиқларга дуч келишлари мумкин эди. Энди бу каби муаммоларга чек қўйилди.

Диёр АБИДОВ, Миробод тумани давлат хизматлари маркази бошлиғи



АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА

КЕЛИШУВ БИТИМИ

Тадбиркорлар ўртасидаги низолаҳдаги низолаҳнинг низолаҳ ечимидир

ЯРАШТИРИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ, БАҒРИКЕНГЛИККА ЧОРЛОВ. НИЗОЛАҳНИ ОСОН ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ОРТИҚЧА ВАҚТ САРФЛАШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲАМ ЎРНИ БЕКЎБ БУ ОДАТНИНГ. ШУ БОИС СУДЛАР ҲАМ БУ МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 130-моддаси ҳам айнан “Тарафларнинг келишуви” деб номлангани беҳиз эмас. Унга биноан, суд тарафларнинг келишуви учун чоралар кўради, уларга иқтисодий суд ишларини юритишининг барча босқичларида низоини ҳал этишга кўмақлашади.

Ўз навбатида, тарафлар низоини келишув битими ёки медиатив келишув тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишининг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжати ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжати қабул қилиш учун чиққунга қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганилиги келишув

битимини тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади.

Фикримизни амалий мисоллар билан исботласак.

Давоғар “NEW GREEN APPLE” МЧЖ Зангиота туманларо иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Maks baxt biznes” хусусий корхонаси ҳисобидан 55 746 750 сўм асосий қарз, 27 873 375 сўм пеня ҳамда суд харажатларини ундиришини сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво ариза қисман қаноатлантирилди: хусусий корхона ҳисобидан МЧЖ фойдасига 55 746 750 сўм асосий қарз, 11 149 350 сўм пеня, 21 600 сўм почта харажати ҳамда 1 672 402,5 сўм давлат божи ундирилди ва даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилади. Бундан норози бўлган “Maks baxt biznes” ХК апелляция шикоятини билан юқори турувчи судга мурожаат этади. Мурожаатида қарздорлик мавжуд эмаслиги, биринчи инстанция суди қарздорликлар, далилларни тўлиқ ўрганмагани ва шу боис уни бекор қилиб, янги қарор қабул қилишни сўрайди.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида маълум бўлдики, тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ва тасдиқлаб бериш учун судга тақдим қилинган. Судлов хайъати иш ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қисман қаноатлантириб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда тарафлар ўртасида тузилган

келишув битимини тасдиқлаб, мазкур иқтисодий иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим деб топди.

ХУСУСАН, ТАРАФЛАР ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН КЕЛИШУВ БИТИМИДА ҚУЙИДАГИЛАРГА КЕЛИШИЛГАН:

жавобгар – “Maks baxt biznes” ХК 2021 йил 25 июндаги шартнома бўйича 37 798 550 сўм қарздорлигини тўлиқ тан олади ва 2022 йил 16 майга қадар тўлаб беради;

тарафлар ўзаро шартнома бўйича мазкур қарздорлиқни тан олгани сабабли даввоғар – “New green apple” МЧЖ даъво аризасида кўрсатилган 55 746 750 сўм асосий қарзнинг 17 948 200 сўмидан ва 27 873 375 сўм пенядан воз кечади;

жавобгар биринчи ва апелляция инстанциялари бўйича барча суд харажатларини (давлат божи ва почта харажатлари) ўз зиммасига олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, судлов хайъати апелляция шикоятини қисман қаноатлантириши, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни, тарафлар ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқлашни ҳамда мазкур иқтисодий низоини бу бўйича иш юритишни тугатишни лозим топди. Ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатлари жавобгар зиммасига юкланди.

Умуман олганда, келишув битими – тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низолаҳни осон, тезроқ ва тинч ҳал этувчи, тарафлар учун энг мақбул ва долзарб усул ҳисобланади. Зеро, суднинг ҳал қилув қароридан фарқли равишда унда ҳар иккала тарафнинг манфаатлари ҳисобга олинади ва улар битимнинг барча талабларини ихтиёрли равишда бажарадилар.

Анвар ШУКУРУЛЛАЕВ, Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари – Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати раиси





QISHLOQQURILISHBANK

Фарғоналик тадбиркорларнинг йирик инвестицион лойиҳаларига мадад бўлмоқда

САРМОЯ – ТАДБИРКОРГА МАДАД. БУНДАН УНИНГ ИШИ ЯНАДА РИВОЖЛАНДИ, ФАОЛИЯТИ КЕНГАЯДИ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТАДИ, ҚАРАБСИЗКИ, СИФАТ ВА ДАРОМАДИДА ЖИДДИЙ ЎСИШ КУЗАТИЛАДИ!

НАФАҚАТ ТАДБИРКОРГА, У ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ҲУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШИ, ИШСИЗЛИГУ КАМБАҒАЛЛИКНИНГ КАМАЙИБ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ОРТИШИДА ҲАМ НИҲОЯТДА МУҲИМ ОМИЛДИР БУНДАЙ ҚУВВАТЛАР.

АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ ҲАМ БУ БОРАДА МАМЛАКАТИМИЗ ИШБИЛАРМОНЛАРИГА ЯҚИНДАН КЎМАК БЎЛМОҚДА. БАНК ТОМОНИДАН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА УОШТИРИЛГАН НАВБАТДАГИ ПРЕСС-ТУР ДАВОМИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БУНГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛИШДИ.

ПРЕСС-ТУР ДОИРАСИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА ВИЛОЯТДАГИ БАНК ТУЗИЛМАЛАРИ ЭРИШАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ. ХУСУСАН, ЖОРИЙ ҚИЛИНАЁТГАН ЯНГИ ХИЗМАТЛАР ВА МИЖОЗЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР БИЛАН АТРОФЛИЧА ТАНИШИЛДИ. КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР НАТИЖАСИДА ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ, БАНК МИЖОЗЛАРИ СОНИ МУТТАСИЛ ОШИБ БОРАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ. ИШТИРОКЧИЛАР ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БАНК МОЛИЯВИЙ КЎМАГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ.



Жамшид ЙЎЛДОШЕВ, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Фарғона банк хизматлари офиси бошқарувчиси:

– Айни пайтда Фарғона вилоятида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг 4 та банк хизматлари офиси ҳамда 5 та банк хизматлари маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда жами 6 743 юридик шахсга банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жумладан, улар 356 та қурилиш, 2 683 та савдо, 431 та ишлаб чиқариш, 487 та хизмат кўрсатиши, 972 донга қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардир.

Пресс-турнинг дастлабки манзили Тошлоқ тумани бўлди. Журналистлар “Қишлоқ қурилиш банк” мижози “Toshloq ice fruit servis”

бига 33 та янги иш ўрни яратдик.

Шундан сўнг ОАВ вакиллари “Қишлоқ қурилиш банк” мижози – “Тошлоқ қурилиш ва таъмирлаш” хусусий корхонаси томонидан қурилатган кўпқаватли турар-жойлар билан танишишди. Тошлоқ туманининг Ахшак маҳалласида қад кўтарган 20 хонадондан иборат 5 қаватли замонавий уйлари кўриб кўзингиз қувнайди. Корхона иш юритувчиси Қодирали Маматовнинг айтишича, умумий қиймати 10 млрд. 500 млн. сўм бўлган ушбу лойиҳа доирасида банк 5 млрд. сўм кредит ажратган. Сармоя маблағлари ҳисобига қурилиш материаллари ва махсус техника харид қилинган. Лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида корхона маҳаллий аҳоли, хусусан, ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи таъминланишига ҳисса қўшмоқда. Қишлоқ ўртасида қад ростлаган ушбу замонавий шаҳарчада барча шароитларга эга боғча ва мактаблар ҳам қад ростлагани бу ерда ашовчиларнинг жонига оро кирмоқда, чунки узоқ ҳудудларга бориб таълим-тарбия олишларига сира ҳожат йўқ.

Кувасой шаҳридаги “Agro Service Asia” ва “Global Leasing” МЧЖларнинг интенсив боғ ва нетхаус – махсус тўр билан қопланган иссиқхона комплекси барпо қилиш лойиҳаси кўпчиликини ҳайратга солди. Маълумки, одатда иссиқхоналар плёнка билан ўралган бўлади, бу ерда эса бутунлай бошқача – помидор ва булғор қалампери экилган катта майдон

1 985 900 АҚШ доллари “Қишлоқ қурилиш банк” ажратган кредитдир. Сармоя қувватидан ишларимиз янада жадаллашди, натижада бугунги кунда ушбу, биргина помидор ва булғор қалампери етиштирилаётган ҳудудда 60 та янги иш ўрни яратдик. Шунингдек, мавсумий ишлар учун 250-300 нафаргача қўшимча ишчи жалб қилияпмиз.

– Нетхауснинг бугунги кунда афзал ва фойдали томонлари ниҳоятда кўп, – дея сўзида давом этди тадбиркор журналистларнинг саволларига жавоб бераркан. – Ҳаво ҳарорати кўтарилганда одатда, плёнкали иссиқхоналар ҳаддан ташқари қизиб кетади, натижада ўсимликлар касалланиб кўпинча нобуд бўлади. Бундай шароитда самарали шомоллатишни ташкил қилиш ҳам жуда қийин. Нетхаус иссиқхоналарнинг ўзига хослиги шундаки, улардаги тўр кўёш нурларини ўтказиш, лекин иссиқлигини ушлаб қолади, бундан ташқари эрта баҳорда ва кеч кузда совуқ ҳаво экинларга зарар етказишнинг олдини олади, энг муҳими, экинни ҳашоратлардан ҳимоя қилади ва табиий шомоллашни таъминлайди. Натижада экологик тоза ва экспортбон маҳсулот етиштиришга эришилади. Бизнинг “Agro Service Asia” маҳсулотларимизга хорижий ҳамкорлардан талаб кундан кунга ортиб бораётганининг сабаби ҳам аслида шундан.

Кувасой шаҳри Пакана маҳалласида асаларичиликнинг ҳадисини олган тадбиркорлар ва оилалар кўп. Журналистлар “Лидер тадбиркор” лойиҳаси доирасида ушбу маҳаллада ташкил этилган “Толбон Фанижон асаларичилик” фермер хўжалигида бўлишганида бунга яна бир бор амин бўлишди. Хўжалик негизда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида асаларичилик йўналишида кооперация ташкил этилган.

Хусусан, тадбиркор маҳалладаги 50 дан ортиқ хонадонга 5 тадан асалари уяси тарқатмоқда. Шу орқали уларнинг уй шароитида қўшимча даромад олишига имкон яратилиб, бандлиги таъминланяпти. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа қиймати 1 млрд. сўм бўлиб, уни амалга ошириш йилига 22 тонна асал тайёрлаш имконини беради ва 52 та янги иш ўрни яратилади. Кооперация таркибига кирган оилалар эса ойига қўшимча 3,5-4 млн. сўмдан даромад олишлари мумкин.

Шунингдек, ОАВ вакиллари Фарғона тумани Оқ олтин маҳалласи ҳудудида “Хумо сихаттоҳи” МЧЖ бунёд этаётган “Хумо”

соғломлаштириш дам олиш маскани билан ҳам танишишди. Корхона раҳбари Шерзод Абдукаримовнинг айтишича, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 13 млрд. 795 млн. сўм бўлиб, 5 млрд. сўмини банк томонидан ажратилган молиявий кўмак ташкил қилади. Мазкур лойиҳа ишга тушгач, бир вақтнинг ўзига 200 нафар инсонни соғломлаштириш қуввати пайдо бўлади. Сихаттоҳ фитнес заллари, қишки ва ёзги бассейн ҳамда мароқли ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган маданий дастурларга мўлжалланган концерт залини ўз ичига олган йирик комплекс сифатида меҳмонларда қизиқиш уйғотди. Асосийси, лойиҳа ишга тушиши билан 97 та янги иш ўрни ҳосил бўлади.

Пресс-турнинг иккинчи кунини “Қишлоқ қурилиш банк”нинг яна бир мижози – Бувайда туманидаги “Samiraxon Sabinaxon Ulug'bek” фермер хўжалиги томонидан ташкил этилган чорвачилик комплекси лойиҳаси билан танишишдан бошланди.

– Бу лойиҳанинг умумий қиймати 461 790,3 АҚШ доллари бўлиб, шундан 249 762 АҚШ доллари банк кредити саналади, – деди “Қишлоқ қурилиш банк” Кўқон филиали банк хизматлари офиси юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлим бошлиғи Шокиржон Ғофуров. – Банкимиз томонидан ажратилган кредит ҳисобига мазкур фермер хўжалиги Германиядан 64 бош насли қора моллар, 1 та трактор ҳамда соғин зали ускуналари сотиб олганди. Натижада 20 та янги иш ўрни яратилди. Энг асосийси, бир гуруҳ маҳаллий ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлишди.

Шундан сўнг журналистлар Данғара туманидаги “Best Tomato” МЧЖ томонидан ташкил этилган иссиқхона лойиҳаси билан танишишди. Жами қиймати 1 422 449 АҚШ доллари тенг ушбу лойиҳани ишга туширишда ҳам “Қишлоқ қурилиш банк” 431 649 АҚШ доллари миқдорда молиявий сармоя ажратиб, тадбиркорлик субъектини қўллаб-қувватлади. Натижада унга 80 нафар ишчи билан кифояланган хўжалик меҳнатқашларининг сони икки бараварга ошди. Ҳозирда бу ерда етиштирилаётган помидор ва булғор қалампери нафақат маҳаллий харидорларга етказиб берилаяпти, балки тўғридан тўғри қўшни республикалар ҳамда Россияга экспорт қилиняпти.

Журналистлар “Кўқон” эркин иқтисодий санат зонасида жойлашган “AVILON KOKAND” МЧЖда қизғин иш жараёни устидан чиқиб қолди. Бир хил махсус иш либосидаги тикувчилар замонавий дастгоҳларда қўли кўлига тегмай аёллар кийим кечаклари тикиш билан банд.

– Маҳсулотларимизни асосан хорижга экспорт учун тайёрлаймиз, – деди “AVILON KOKAND” МЧЖ тикув бўлими иш бошқарувчи

си Шаҳбоз Исмоилов. – Биласиз, харидорғир, сифатли кийим-кечак ишлаб чиқариш учун компьютерлашган замонавий дастгоҳлар, ускуналар жуда муҳим. Чунки уларнинг бичимлари аниқ бўлиши керак. Бунинг учун молиявий кўмакка эҳтиёжimiz катта эди. Бу борада “Қишлоқ қурилиш банк” Кўқон филиалига мурожаат этган эдик, муаммомиз ҳал бўлди: бизни 2 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит билан таъминлашди (енгил санат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3 282 525 АҚШ доллари эди). Шу сармоя эвазига Туркия, Швейцария, Россия, Германиядан сўнги русумдаги зарур ускуналар сотиб олдик, 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратдик, уларнинг 50 фоизи асосан ёшлар.



Шухрат ОРИПОВ, АТБ “Қишлоқ қурилишбанк” Бошқарув раисининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси:

– “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари жисмоний ва юридик шахсларни ўз фаолиятлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш белгилаб қўйилган. Қолаверса, Президентимизнинг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида очиқлик ва ахборот сиёсатини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Ушбу пресс-тур ҳам ана шундай сайёҳаракатлар сирасига киради. Мазкур тадбир вилоятда банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ва “маҳаллабай” тизимида олиб борилаётган ишларнинг амалий натижалари билан яқиндан танишиш мақсадида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, Фарғонага сафар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун вилоятдаги банк тузилмалари фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди. Энг муҳими, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” қўшаётган амалий ҳисса натижасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, лойиҳалар жонлиниб, қўшимча даромад манбалари ва иш ўринлари яратилгани, “маҳаллабай” тизими бўйича эришилаётган дастлабки натижаларнинг гувоҳи бўлишди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



МЧЖда мева-сабзавотларни экспорт қилиш учун саралаш ва қадоқлаш лойиҳаси ҳамда интенсив усулда барпо этилган гилос боғи билан танишишди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 3 млн. 543 минг АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 1 млн. 912,2 минг АҚШ доллари банк кредити саналади.

– Банкдан олган имтиёзли кредитимиз ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – мева-сабзавотларни қуритиш, совитиш, саралаш ва қадоқлаш учун зарур дастгоҳлар сотиб олдик, – дейди “Toshloq ice fruit servis” МЧЖ иш бошқарувчиси Хусанбой Аҳмедов. – Туркия давлатидан пол карлик (пакана) гилос кўчатлари ва томчилатиб сугориш технологияси учун ускуналар олиб келиб, 31 гектар ер майдонида гилосзор ташкил қилдик. Боғимиз келгуси йилдан ўз меваларини бера бошлайди.

Шунингдек, 1 650 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш имконияти яратилди. Ҳозирда маҳаллий етиштирилган меваларни ички ва ташқи бозорга пешма-пеш етказиб беряпмиз. Ушбу лойиҳа татбиқ этилиши ҳисоб

фақат тўр билан ҳимояланган ҳолос.

– Корхонамизни 2018 йилда ташкил қилгандик, 2019 йил охиридан тўлиқ қувват билан ишлаб бошладик, – дейди мазкур жамиятлар раҳбари Музаффар Абдуразақов. – Жами 12 гектар ер майдонимизнинг 7 гектарига Исроил технологияси асосида нетхаус барпо қилганимиз.

6 гектар майдонда кўчат етиштириб, ҳар гектаридан 100 тоннадан ортиқ ҳосил оляпмиз. Маҳсулотларни қатор хорижий давлатларга экспорт қилияпмиз. Лойиҳамизнинг умумий қиймати 2 985 900 АҚШ доллари бўлиб, шундан



